



Фойда солиғини такомиллаштириш

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон

Халқаро Нордик университети

ORCID: 0000-0002-4827-1040

zafarjon1808@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада корпоратив фойда солиғи тизимининг инвестициялар ҳажми ва бизнес фаолликка таъсирига оид илмий ёндашувлар кўриб чиқилган. Мақолада самарали корпоратив солиқ ставкаларини пасайтириш инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асосланган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида корпоратив фойда солиғи бўйича тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: корпоратив солиқ, солиқ солиш, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзи, инвестиция, фойда, тақсимланмаган фойда.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГА НА ПРИБЫЛЬ

DSc, проф. Абдуллаев Зафаржон

Международный университет Нордик

Аннотация. В статье рассматриваются научные подходы к влиянию системы корпоративного налога на объем инвестиций и деловую активность. В статье научно обосновано, что снижение эффективных ставок корпоративного налога оказывает положительное влияние на объемы инвестиций и производства. На основе анализа сделаны соответствующие выводы по корпоративному налогу.

Ключевые слова: корпоративный налог, налогообложение, налоговая база, налоговая ставка, налоговая льгота, инвестиции, прибыль, нераспределенная прибыль.

IMPROVEMENT OF CORPORATE INCOME TAX

DSc, prof. Abdullaev Zafarjon

Nordic International University

Abstract. The article examines scientific approaches to the impact of the corporate tax system on investment volume and business activity. The article provides scientific evidence that reducing effective corporate tax rates has a positive impact on investment and production volumes. Based on the analysis, the corresponding conclusions were made regarding corporate tax.

Keywords: corporate tax, taxation, tax base, tax rate, tax benefit, investment, profit, retained earnings.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида тобора глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётган шароитда тадбиркорлик фаолиятини масштаби бир мамлакат ҳудуди билан чекланмайди. Трансмиллий компаниялар ўзларининг солиқ мажбуриятларини минималлаштириш ва солиқ тизимларидаги камчиликлардан фойдаланиш учун турли мамлакатларда бизнес фаолиятларини амалга оширадilar. Солиқ тўловлари ва корпоратив фойда билан боғлиқ фискал харажатлар компания харажатларининг катта қисмини ташкил қилганлиги сабабли, солиққа тортиш инвестиция қарорларини қабул қилишда муҳим шартлардан ҳисобланади. Шу сабабдан, ҳукуматларнинг солиқ жозибадорлигини ошириш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий муҳит яхшилашга қаратилган солиқ сиёсатини амалга оширишни таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Корпоратив фойда солиғи тадбиркорлик фаолиятида муҳим таъсир этувчи омиллардан бири сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Корпоратив фойда солиғининг юқори даражаси соф фойда миқдорини камийишига олиб келади, бу эса келажакдаги инвестициялар ва бизнесни ривожлантириш учун пул маблағлари оқимини қисқартиради. Самаралаи корпоратив солиққа тортиш тизими бизнес фаолликни ошириб, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳажминини ўсишини рағбатлантиради. Инвестициялар ҳажминини ошириш ўз навбатида, компанияларга инвестициялар таркиби ва сифатини ҳамда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, бу эса ўз навбатида, келажакда уларнинг фойдасини максималлаштириш имкониятини яратади (Bizna ва бошқ., 2018). Жумладан, Эстония корпоратив солиқ тизимининг қўшни бўлган давлатларга нисбатан рақобатдош устунлиги бу мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини 11,33 бараварга ўсишига олиб келган. Эстониянинг корпоратив солиқ тизимида тақсимланган солиққа тортиш тартибидан фойдаланилади, бу бошқа давлатларда қўлланиладиган умумий фойдани солиққа тортиш тартибига нисбатан фарқланиб, фақат корхоналарнинг тақсимланган фойдасига солиқ солинади.

Адабиётлар шарҳи.

Корхоналар инвестицияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига бевосита таъсир қилади, бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятидан фойдаланиш зарур ҳисобланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим ечим сифатида корпоратив фойда солиғи ставкасини пасайтириш ёки солиқ чегирмаларини қўлланиши орқали солиқ базасини қисқартириш корхоналарни фойда ёки асосиз харажатларни яширмасликка ундаши мумкин. Корпоратив солиқ тизимида тақсимланган солиққа тортиш тартиби бизнес фойдани оширишга туртки бўлади, чунки акциядорлар фойдани тақсимламагунча давлат олинган фойдадан солиқ ундирмайди (Bizna ва бошқ., 2018). Умуман олганда, инвесторларнинг ҳар қандай давлатга сармоя киритиш қарори бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, корпоратив фойда солиғи ставкасининг даражаси муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Даромад билан боғлиқ солиқнинг бир нечта вариантлари бўлиши мумкин, жумладан, жисмоний шахслар даромад солиғи акциядорларга дивидендларни тақсимлаш бўйича тўланган корпоратив солиқларни ҳисобга олиш имконини берадиган комплекс ёндашув. Корхонанинг фойдаси ва акциядорларига тўланадиган дивидендларга икки томонлама солиқ солинмаслик учун солиқнинг фақат битта тури қўлланилиши мумкин. Солиқ тизимидаги ижобий ўзгаришлар асосий капитал таркибида инновацион технологияларни ривожланишига таъсир қилиши билан бошқа мамлакатларга

нисбатан рақобатдош устунликларнинг ошишига олиб келиши мумкин. Бу ҳам корхоналарга экспорт ҳажмини ошириш имкониятини беради (Stinka ва бошқ., 2017). Эстонияда тақсимланган фойдадан ундириладиган корпоратив фойда солиғи бўйича олиб борилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, солиқ ислоҳоти амалга оширилгандан сўнг корхоналарнинг ликвидлиги Латвия ва Литва давлатлари билан солиштирганда ўртача 2% га, кичик фирмалар учун бу кўрсаткич 2 барабарга кўпайган. Шунингдек, амалга оширилган корпоратив солиқ ислоҳотлари тадбиркорлик субъектларининг жами активларидаги мажбуриятларининг ўртача 5,7 фоизга камайтирган. Эстониядаги корпоратив солиқ тизимидаги ўзгаришлардан кейин бизнес ликвидлиги 2 фоизга ўсган ва умумий активлардаги тақсимланмаган фойданинг улуши Латвия ва Литва билан солиштирганда 8,1 фоизга ошган (Masso ва бошқ., 2013).

Кўриниб турибдики, солиқ солишдаги ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг кичик бизнесга кўпроқ таъсир қилишини тасдиқлайди, бу эса ушбу ўзгаришларга мослашиш учун қўшимча маблағлар излашни талаб қилади. Ўтказилган тадқиқотларда корпоратив солиқ солишдаги ўзгаришлар кейин Эстониянинг ташқи савдо обороти кескин кўтарилиб, аҳоли жон бошига соф савдо ҳажми 3,9 барабарга ўсган, бу нафақат бизнес фаолият самарадорлигига, балки меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланган (Prohorgovs ва бошқ., 2016). Тақсимланмаган фойдага солиқ солишни тартибини бекор қилиниши сабабларидан бири солиқларнинг инвестицияларга таъсири бўлиши мумкин, масалан, бизнеснинг ликвидлигига таъсири билан инвесторлар ва компаниялар ўртасида ўзаро эҳтиёткорликка олиб келади, бу эса бизнесга қўшимча маблағлар жалиб қилиш имкониятини камайтиради. Халқаро миқёсдаги корпоратив солиқ тизимига ҳар бир давлат солиқ тизимига хос солиқ имтиёзлари ҳам таъсир кўрсатади. Бу компанияларни инвестициялар киритиш ва фойдани тақсимлаш учун энг қулай бўлган ҳудудни излашга ундайди (Gorter ва Mooij, 2001). Masso ва бошқаларнинг (2011) таъкидлашича, корпоратив солиқни пасайтириш инвестиция ва меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, кичик фирмалар учун инвестицияларнинг ўсишига янада сезиларли таъсир кўрсатган ва корхоналар капиталидаги инвестициялар улуши 20 фоизга ортган. Солиқ ислоҳотининг меҳнат унумдорлигига таъсирини таҳлилин аналга оширишда тез ривожланаётган компаниялар бандликни ошириши мумкин деган тахмин илгари сурилган. Аналга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, Эстонияда солиқ ислоҳотлари аналга оширилганидан кейин тўрт йил ичида Латвия ва Литвага нисбатан унумдорлик кўрсаткичлари 0,134 фоиз пунктга ўсган.

Мамлакатлараро олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижасида юқори самарали корпоратив солиқ ставкаларининг инвестициялар ҳажми ва тадбиркорлик фаолиятига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Агар бошқа солиқ ставкаларини, шу жумладан, жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғини, шунингдек, ҚҚС ва реализацияга бошқа солиқларни назарда тутадиган бўлсак, солиқнинг маъмурий юкини ҳисобга олган ҳолда, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидаларига риоя қилиниши, иқтисодиётни ривожлантиришнинг ташқи савдога очиклиги, сеньораж ва инфляция даражасини ҳисобга олсак, бу таъсир кучли бўлади. Шунингдек, юқори самарали корпоратив фойда солиғининг таъсири хизматлар соҳасига эмас, балки ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг камайиши, норасмий иқтисодиётнинг кенгайиши ва хусусий капиталдан кўра қарз капиталига кўпроқ боғлиқлик билан характерланади (Djankov ва бошқ., 2010).

Тадқиқот методологияси.

Мақолада корпоратив фойда солиғи тизими, солиқ ставкаларини қўлланишига доир илмий адабиётлар ўрганиб чиқилган. Корпоратив солиқнинг инвестициялар ҳажми ва бизнес фаолликка таъсирини таҳлил қилиш давлат молияси соҳасидаги

муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, корпоратив солиқ таъсирини баҳолаш нафақат самарали солиқ сиёсатини амалга ошириш нуқтаи назаридан, балки иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Корпоратив фойда солиғининг самарали ставкасини таъсирини баҳолаш бўйича олиб борилган эмпирик таҳлилларда корпоратив солиқнинг юқори самарали ставкаси умумий инвестициялар, жумлалан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тадбиркорлик фаолиятига катта салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Илмий адабиётлар шарҳида корпоратив солиқ ставкасини пасайиштиришнинг инвестициялар ҳажмига ва бизнес фаолликка ижобий таъсири илмий асосланган. Шу билан бирга, OECD мамлакатларида ЯИМ ва умумий солиқ тушумларида солиқ турларининг улуши, корпоратив солиқ бўйича ўртача солиқ тушумларининг тенденциялари, корпоратив фойда солиғининг мамлакатлар бўйича сезиларли даражада ўзгаришига олиб келган омиллар, корпоратив солиқ ставкаларининг динамикасини таҳлили амалга оширилган.

Корпоратив фойда солиғининг инвестициялар ҳажми ва бизнес фаолликка таъсирини ўрганиб чиқишда, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тасвирий статистика, илмий мулоҳаза каби таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқларнинг ЯИМга нисбат улуши ва барча OECD мамлакатлари учун мавжуд бўлган маълумотлар шуни кўрсатадики, қонунчиликда ўрнатилган солиқ ставкалари мамлакатларда сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, 2022 йилда солиқнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори улуши Францияда (45,8%), кейин Норвегия (43,4%) ташкил қилган. Шунингдек, солиқнинг ЯИМга нисбати 40% дан юқорилигини Австрия, Финляндия, Италия, Швеция, Белгия, Дания ва Греция каби давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Мексикада эса энг паст кўрсаткич 16,8%, кейингилар Колумбия (19,7%), Ирландия (20,3%), Туркия (20,9%) ва Чили (23,8%) ҳисобланади. 2022 йилда бу кўрсаткич яна 4та давлатда 30 фоиздан паст бўлган бўлиб, булар Австралия, АҚШ, Швейцария ва Коста-Рикадир. Умуман олганда, OECDга аъзо мамлакатларда солиқнинг ЯИМдаги улушининг ўртача кўрсаткичи 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ўзгармаган ҳолда 34,0 фоизни ташкил этган. 2021 йилга нисбатан жами солиқнинг ЯИМга нисбатан улуши 21 мамлакатда ўсган ва 17 та мамлакатда эса пасайган. Жумладан, солиқларнинг ЯИМ нисбатининг улушида энг катта ўсиши Корея (2,2 фоиз) ва Норвегияда (2,1 фоиз) кузатилган. Чили, Венгрия, Буюк Британия ва Грецияда эса ўсиш 1 фоиздан ошган ягона бошқа мамлакатлар ҳисобланади. Юқори пасайишлар Дания (5,3 фоиз) ва Польша (2,3 фоиз) давлатларига тўғри келган. OECD мамлакатлари учун солиқнинг ЯИМга нисбати ўртача кўрсаткичи нуқтаи назаридан, 2021 ва 2022 йиллар оралиғида корпоратив фойда солиғи тушумларининг 0,6 фоизга ошиши акциз солиғи тушумларининг 0,3 фоизга, ижтимоий суғурта бадалларининг 0,2 фоизга ва даромад солиғи тушумларининг 0,1 фоизга камайишини қоплаганлиги билан кўрсатиб ўтиш мумкин (1-жадвал).


1-жадвал

OECD мамлакатларида ЯИМда солиқ тушумларининг улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2010	2015	2020	2021	2022
жами солиқ тушуми	31.5	32.9	33.5	34.1	34.0
даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар	10.2	10.9	11.3	11.9	12.3
ижтимоий суғурта бадаллари	8.6	8.8	9.2	9.0	8.7
иш ҳақидан даромад солиғи	0.4	0.4	0.5	0.5	0.5
мулк солиқлари	1.6	1.8	1.9	1.9	1.8
истеъмол солиқлари	10.5	10.8	10.6	10.7	10.6

Манба: OECD, 2024 revenue statistics.

Солиқ структураси асосий солиқларнинг умумий солиқ тушумидаги улуши билан баҳоланади. OECDга аъзо мамлакатларда 2022 йилда солиқ структураси турлича бўлган. Жумладан, 18 та давлатнинг солиқ структурасида корпоратив солиқ ва жисмоний шахслар даромад солиғи, 11 та давлатнинг солиқ структурасида ижтимоий суғурта бадаллари, 9 та давлатнинг солиқ структурасида эса истеъмол солиқлари катта улушни ташкил қилган.



1-расм. OECD мамлакатларида умумий солиқ тушумларида солиқларнинг улушиб фойида

Манба: OECD, 2024 revenue statistics.

Мулк солиғи ва иш ҳақидан даромад солиғининг кўпчилик мамлакатларни умумий солиқ тушумларидаги улуши унчалик юқори эмас. OECD мамлакатларида умумий солиқ тушумлари даражаси одатда ортиб бораётган бўлса-да, солиқ структурасини таркиби вақт ўтиши билан сезиларли даражада барқарорлашиб борган. Бироқ, 2022 йил ҳолатига кўра, OECDнинг барча 38 мамлакатнинг солиқ структурасида баъзи тенденциялар кузатиш мумкин. OECDга аъзо мамлакатлар бўйича 2022 йилда ўртача ҳисобда умумий солиқ тушумларининг 36,5% жисмоний шахслар даромад солиғи ва фойда солиғи ҳисобидан шаклланган (1-расм). Жисмоний шахслар ва корпоратив фойда солиғи OECDнинг 18 та давлатида давлат харажатларини молиялаштириш учун энг муҳим даромад манбаига айланган бўлиб, ушбу солиқларнинг улуши Австралия, Канада, Дания, Исландия, Ирландия, Мексика, Янги Зеландия, Норвегия, Швейцария ва АҚШда 2022 йилда жами солиқ тушумининг 40% дан ортиғини ташкил этган.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 2022 йилда жами солиқларнинг ўртача 23,6% ни, 1980 йиллардаги улуши тахминан 30%ни ташкил қилган. Ушбу солиқ тури бўйича пасайишнинг тахминан 2 фоизи Шарқий Европа ва Лотин Америкасидаги OECDга нисбатан яқинда аъзо бўлган бир қатор давлатларнинг солиқ тушумлари маълумотларининг ўртача таъсири билан боғлиқ бўлиб, фақат маълумотларни 1990 йиллардан бошлаб мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тушумлари нисбатан паст ва ижтимоий суғурта бадаллари ёки корпоратив солиқ тушумлари юқори, аммо бу таъсир фақат 1990 йилдан кейинги маълумотларда кузатилган. Мамлакатлар ўртасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи улушидаги фарқ сезиларли (солиқ ставкалари, солиқ базаси

ва бошқалар ҳисобига) бўлиб, жумладан, 2022 йилда Коста-Рикада 6,1%, АҚШда 44,0% ва Данияда 55,8% гача ўзгарган.


Корпоратив солиқнинг 1965 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда умумий солиқ тушумидаги улуши 8% дан 9% гача бўлган. Кейинчалик бу кўрсаткич 2007 йилда 11,3% гача ўсган бўлса, глобал молиявий инқироздан кейин 2010 йилда 9,0% гача пасайган. 2021 йилда 10,3% ва 2022 йилда 12,0% гача кўтарилгунга қадар жами солиқ тушумларидаги улуши 9,0% дан 10,0% гача бўлган даражада сақланиб қолган. 2022 йилда корпоратив фойда солиғининг жами солиқ тушумларидаги улуши мамлакатлар бўйича сезиларли даражада ўзгарган, яъни 6% дан кам (Эстония, Венгрия ва Латвия), 20 фоиз ва ундан юқорига Ирландия (21,5%), Австралия (21,8%), Мексика (23,0%), Чили (23,7%), Норвегия (42,3%) каби мамлакатларни келтириб ўтиш мумкин. Бу солиқ тушумидаги фарқлар корпоратив солиқ ставкаларининг даражасидан ташқари, қисман институционал ва мамлакатга хос омиллар билан изоҳланади, жумладан:

- ✓ фирмаларнинг бирлаштирилганлиги даражаси;
- ✓ фойда солиғи базасини кенгайтириш, масалан солиқ имтиёзларини қисқариши;
- ✓ корпоратив солиқ тизимининг цикликлик даражаси, унинг муҳим элементларидан бири зарарларни қоплаш тўғрисидаги қоидаларидир;
- ✓ нефть ёки фойдали қазилма конларини ишлатишдан олинadиган рента солиқ тушумларига ёки фойдани солиққа тортишни кечиктиришнинг бошқа воситаларига боғлиқлик даражаси.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги 20 йил ичида корпоратив фойда солиғининг қонунчиликда ўрнатилган стандарт ўртача ставкалари пасайган, аммо мамлакатлар ўртасидаги сезиларли фарқлар сақланиб қолган. Барча мамлакатлар учун корпоратив фойданинг ўртача бирлаштирилган стандарт солиқ ставкалари (марказий ва маҳаллий ҳукуматлар) 2000 йилдаги 28,2 фоиздан 2023 йилда 21,1 фоизга камайган. OECDнинг 2023 йилги статистик маълумотларда қамраб олинган 141 та мамлакатлардан 27 тасида корпоратив солиқ ставкалари 2023 йилда 30% га тенг ёки ундан юқори бўлган, Колумбия ва Малтада эса энг юқори корпоратив солиқ ставкаси 35,0% бўлган, 12 та мамлакатда корпоратив солиқ солиш режими мавжуд бўлмаган ёки нолли ставкада фойда солиғи бўлган. Икки мамлакатлар, Барбадос (5,5%) ва Венгрия (9%) ижобий корпоратив солиқ ставкалари 10% дан кам бўлган. Бироқ, Венгрияда ҳам корпоратив фойдадан база сифатида фойдаланмайдиган маҳаллий бизнес солиқлари мавжуд. Бу Венгрия қонунчилигида белгиланган солиқ ставкасига киритилмаган бўлсада, бироқ, Венгриядаги корхоналар қонунда белгиланган солиқ ставкасидан кўра юқорироқ солиққа тортилишини англатади. 2000 ва 2023 йиллардаги корпоратив солиқ ставкалари солиштирилганда, 2023 йилда 111 та мамлакатларда корпоратив солиқ ставкалари пастроқ, 15 та мамлакатларда бир хил даражада, 15 та мамлакатда эса юқорироқ солиқ ставкалари бўлган (OECD, 2023). Жумладан, 2000 йилдан бери OECDга аъзо давлатларда ва юрисдикцияларнинг учта минтақавий гуруҳида корпоратив фойда солиғининг ўртача ставкаларида пасайиш тенденциялари кузатилган. Солиқ ставкаларидаги энг сезиларли пасайиш OECDга аъзо давлатлар гуруҳига (2000 йилдаги 32,3 фоиздан 2023 йилда 23,6 фоизгача пасайган) тўғри келади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда компанияларнинг инвестиция ва иқтисодий фаоллиқни рағбатлантириш учун корпоратив солиқ ставкаларини пасайтирилган. Ўтган давр мобайнида аксарият мамлакатларда корпоратив фойда солиғи ставкалари 30 фоиз ёки ундан пастроқ ставкаларда ўрнатилган (2-расм). Корпоратив солиқ тизимидаги 2017 йил охирида солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар билан ушбу тенденциялар давом этган. Масалан, 2017 йилда АҚШда федерал корпоратив солиқ ставкаси 35 фоиздан 21 фоизга туширилган. Дунё бўйлаб 225 та мамлакатдан фақатгина 6 та мамлакатда 2023 йилда корпоратив фойда солиғининг энг юқори ставкасини оширилган бўлсада, агарда аксарият мамлакатларнинг солиқ

ставкаларини пасайитириш ва глобал минимал солиқни жорий этишга тарафдорлигини ҳисобга оладиган бўлсак, катта эҳтимол билан бу мамлакатларда ҳам корпоратив солиқ ставкаларининг тенденцияси келгуси йилларда ўзгариши мумкин.



**2-расм. Корпоратив фойда солиғи ставкаларининг тенденциялари фойзда
(Tax foundation, 2024)**

Бундан ташқари, кўплаб мамлакатларда корпоратив солиқ базасини қисқартирадиган имтиёзли чегирмалар ва амортизация қоидалари каби бошқа турли хил инвестицион фаолликка рағбатлантиришлар жорий этилган. Корпоратив солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар капитал нархини пасайтиришга ва корхоналарнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришга, янги инвестициялар учун рағбат яратишга ва бизнес фаоллиқни ўсишига олиб келган. Умуман олганда, компаниялар даражасида корпоратив фойда солиғи ставкасининг пасайиши одатда ишлаб чиқаришни ўсиши ва инвестициялар учун жуда аҳамиятли ҳисобланади. Агар инвестиция тақсимланмаган фойда ёки қарз ҳисобидан молиялаштирилганда дивиденд солиғи ставкаси капиталнинг маржинал қийматига таъсир қилмайди. Фойда солиғининг камайиши солиқ тўлашдан кейин тақсимланмаган фойдани ўсишига олиб келиши компанияга нақд пулнинг оқимини ошишига олиб келади, бу эса инвестициялардан ташқари, умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай нақд пул оқимларининг ўсиши, айниқса, ликвидлик чекловларига дуч келиши мумкин бўлган ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари бўйича имкониятлари чекланган тадбиркорлик субъектлари учун катта аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, кичик фирмалар кўпинча таъсис қилган асосий эгалари томонидан бошқарилади, улар ҳам фирмада фоллят юритади ва фирма қарорларини қабул қилишда бевосита иштирок этади, яъни мулкдорнинг рағбатлари ва ҳаракатларига корпоратив солиқ ставкасининг пасайиши ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Яъни, кичик фирмаларда ишлаб чиқариш капиталига умумий инвестицияларнинг ҳажми ўсмаган бўлса-да, бизнес фаоллик кучайиши мумкин. Бу шуни кўрсатадики, кичик бизнесни солиқ солишдаги ўзгаришлар нақд пул маблағларининг мавжудлигида фирма эгасининг ҳуқ-атворига қандай муносабатда бўлишини тушунтиришда муҳим омил ҳисобланади (Harju ва бошқ., 2022).

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олиб қараганда, корпоратив фойда солиғининг юқори ставкалари бизнес инвестицияларига салбий таъсир кўрсатади, гарчи солиқлар инвестицияларга таъсир

этувчи ягона омил ҳисобланмаса-да. Чунки, юқори корпоратив фойда солиғи солиқдан кейинги инвестиция манбаи ҳисоблаган соф фойда миқдорини камайтириш орқали компанияларни баъзи инвестиция лойиҳаларини қисқартиришга ёки молиялаштиришни кечиктиришга олиб келиши мумкин.

Корпоратив солиқ ставкаларига нисбатан инвестицияларнинг сезгирлиги ҳар хил фирмаларда турлича намоён бўлади. Бу сезгирлик, хусусан, масштаб, фаолият даври ва инвестицияларни молиялаштиришнинг тармоқ структураси каби фирма хусусиятларига, шунингдек, ликвидлик чекловлари, бозор кучи, бозор тузилмаси, солиқни режалаштириш имкониятлари ҳамда рентабеллик билан боғлиқдир.

Корпоратив солиқ тизимининг таъсири ҳар бир мамлакатга хос бўлган, тўланган солиқ суммасининг/солиқ тўлагунгача бўлган фойдага нисбатан аниқланадиган самарали солиқ ставкаси (Effective Tax Rate-ETR) асосида баҳоланади. Самарали солиқ ставкаси нафақат қонунчиликда ўрнатилган корпоратив солиқ ставкаси шунингдек, солиқ базасини камайтирувчи солиқ чегирмаларининг таъсирини акс эттиради.

Корпоратив солиқ тизими кўпинча ҳукуматлар томонидан инвестицияга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий фискал инструментлардан бири сифатида кўриб чиқилади. Корпоратив фойда солиғи тизимининг инвестицияларга таъсирини баҳолашга оид тадқиқотларнинг натижаларига кўра, паст даражадаги солиққа тортиш инвестиция харажатларини камайтиради, бизнес фаоллиқни кучайтиради ва ўз навбатида, иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Адабиётлар/Литература/References:

Bizņa Valentīna et al., (2018). "Assessment of Impact of Corporate Income Tax Suspension on Financial Performance of Businesses," *Economics and Business, Sciendo*, vol. 32(1), 172-181.

Djankov Simeon et al., (2010). "The Effect of Corporate Taxes on Investment and Entrepreneurship," *American Economic Journal: Macroeconomics*, American Economic Association, vol. 2(3), pages 31-64. <https://www.nber.org>.

Gorter, J., & Mooij, R. A., (2001). *Capital Income Taxation in Europe: Trends and Trend-offs*. Retrieved from: https://www.researchgate.net/profile/Ruud_Mooij/publication.

Harju, et al. (2022). The effects of corporate taxes on small firms. *Journal of Public Economics*, Elsevier, vol. 212(C).

Masso, J., Meriküll, J., & Vahter, P., (2013). Shift from Gross Profit Taxation to Distributed Profit Taxation: Are There Effects on Firms? *Journal of Comparative Economics*, 41, 1092-1105. <https://doi.org/10.1016/j.jce.2013.01.011>.

Masso, J., Meriküll, J., Vahter, P., (2011). *Gross Profit Taxation Versus Distributed Profit Taxation and Firm Performance: Effects of Estonia's Corporate Income Tax Reform*. University of Tartu: Faculty of Economics and Business Administration Working Paper Series, No. 81, 1-33. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1793143>.

OECD, (2023). *Corporate Tax Statistics*. <https://incp.org.co/wp-content/uploads/2023/11/Corporate-Tax-Statistics-2023-OCDE.pdf>.

OECD, (2024). *Revenue statistics*. https://www.oecd.org/en/publications/revenue-statistics-2024_c87a3da5-en.html.

Prohorovs, A., Fainglozs, L., & Jonina, V., (2016). Introduction of the Deferral of corporate Income Tax before the Distribution of Company Profits as an Essential Factor for the Development of the Latvian Economy. *RISEBA Working Paper 16/9*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.2939173>.

Stinka, J., et al. (2017). Shifting from Taxation of Corporate Income to Distributed Profit: The Concept for Latvia. *XVIII Turiba University Conference Communication in the Global Village: Interests and Influence*. 88-95.pp. Retrieved from: http://www.turiba.lv/f/Conference_XVIII_Turiba_18.05.2017.FINAL.pdf.

Tax foundation, (2024). *Corporate Tax Rates around the World*. <https://taxfoundation.org/data/all/global/corporate-tax-rates-by-country-2023>.